

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (*фермер ва деҳқон хўжаликларисиз*) 21 321 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 20 133 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,4 фоизни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (24,0 фоиз), Қизилтепа (12,6 фоиз), Кармана (15,7 фоиз) ва Хатирчи (12,4 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2021 йил 1 январь ҳолатига)

	<i>Рўйхатга олинган</i>		<i>Фаолият кўрсатаётган</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	21 321	100,0	20 133	100,0
Навоий ш.	5 118	24,0	4 624	23,0
Зарафшон ш.	1 661	7,8	1 423	7,1
Конимех	817	3,8	790	3,9
Қизилтепа	2 695	12,6	2 641	13,1
Навбахор	2 061	9,7	2 008	10,0
Кармана	3 349	15,7	3 229	16,0
Нурота	1 591	7,5	1 542	7,6
Томди	404	2,0	415	2,1
Учкудук	983	4,5	940	4,7
Хатирчи	2 603	12,4	2 521	12,5

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, (% да)





Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (32,7 фоиз), саноат (16,4 фоиз), қурилиш (7,8 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,3 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2021 йил 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	21 321	100,0	20 133	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 402	11,3	2 293	11,4
саноат	3 503	16,4	3 273	16,3
қурилиш	1 654	7,8	1 560	7,7
савдо	6 964	32,7	6 627	32,9
ташиш ва сақлаш	661	3,1	625	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 393	6,5	1 280	6,4


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
ахборот ва алоқа	215	1,0	193	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	297	1,4	293	1,5
бошқа турлари	4 232	19,8	3 989	19,7

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (2021 йил 1 январь ҳолатига)



Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 94,4 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 5,6 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонida фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да




2021 йил 1 январь ҳолатига 18 022 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4 889 та, оилавий корхоналар – 3 673 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 9 226 та, акциядорлик жамиятлари – 21 та, унитар корхона – 60 тани ва 123 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда



2020 йил январь-декабрь ойларида жами 4 354 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 59,7 % ни ташкил этади, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (796 та), Хатирчи (631 та), Қизилтепа (588 та), Кармана (588 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (136 та), Конимех (220 та), Нурота (285 та) туманларига тўғри келади.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 39,1 фоиз, саноатда 20,3 фоиз, қурилишда 4,9 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 18,0 фоизни ташкил этди.

2021 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 17 931 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,5 фоизга ошди.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 4 061 таси (жами субъектларнинг 22,6 фоизи) Навоий шаҳри, 2 968 таси (16,6 фоизи) Кармана, 2 411 таси (13,4 фоизи) Қизилтепа, 2 226 таси (12,4 фоизи) Хатирчи ҳамда 1 822 таси (10,2 фоизи) Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 342 таси (1,9 фоизи) Томди, 660 таси (3,7 фоизи) Конимех, 824 таси (4,6 фоизи) Учқудук туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)
(2021 йил 1 январь ҳолатига)

	Жами	Фаолият юритмаётган	Фаолият юритмаётган	2020 йил январь-декабрь ойларида янгидан ташкил этилган	2020 йил январь-декабрь ойларида фаолияти тугатилган	1000 кишига тўғри келадиган КБ субъектлари
Жами	19 058	17 931	1127	4 260	667	21,0
Навоий ш.	4 513	4 061	452	760	104	27,7
Зарафшон ш.	1 510	1 277	233	383	125	15,0
Кармана	3 086	2 968	118	575	74	26,1
Конимех	687	660	27	216	35	23,8
Қизилтепа	2 460	2 411	49	576	48	19,7
Навбаҳор	1 873	1 822	51	403	25	20,6
Нурота	1 389	1 340	49	272	55	20,1
Томди	350	342	8	135	17	42,3
Учкудук	841	824	17	310	118	25,1
Хатирчи	2 349	2 226	123	630	66	15,0

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг худудлар бўйича сони

	2020 йил 1 январь ҳолатига		2021 йил 1 январь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	14 885	100,0	17 931	100,0
Навоий ш.	3 513	23,6	4 061	22,6

	2020 йил 1 январь ҳолатига		2021 йил 1 январь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Зарафшон ш.	1 254	8,4	1 277	7,1
Конимех	499	3,3	660	3,7
Қизилтепа	1 917	12,9	2 411	13,4
Навбахор	1 463	9,8	1 822	10,2
Кармана	2 494	16,8	2 968	16,6
Нурота	1 151	7,7	1 340	7,5
Томди	221	1,5	342	1,9
Учкудук	621	4,2	824	4,6
Хатирчи	1 752	11,8	2 226	12,4

Фаолият кўрсатаётган жами 17 931 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 6 614 таси (36,9 фоизи) – савдода, 3240 таси (18,1 фоизи) - саноатда, 2 260 таси (12,6 фоизи) - қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 1 550 таси (8,6 фоизи) - қурилишда, 1 279 таси (7,1 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 612 таси (3,4 фоизи) - ташиш ва сақлашда, 229 таси (1,3 фоизи) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 184 таси (1,0 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1 963 таси (10,9 фоизи) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.

**Рўйхатдан ўтган қорхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича, 1 январь ҳолатига кўра) бирликда**




2021 йил 1 январь ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 15,4 фоизни (233 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 2,7 фоизни (51 та), Нурота 3,5 фоизни (49 та), Учқудук 2,0 фоизни (17 та), Конимех 3,9 фоизни (27 та), ва Томди тумани 2,3 фоизни (8 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 667 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан саноат 117 та (17,5 фоизи), савдо 210 та (31,5 фоизи), қурилиш 66 та (9,9 фоизи) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 66 та (9,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.

2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитал иштирокидаги корхоналар сони 238 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 тага ёки 13,9 фоизга ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 148 таси қўшма корхоналар, 90 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони
(2021 йил 1 январь ҳолатига)**



Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони

	Жами	шундан:	
		Қўшма корхона	Хорижий корхона
Жами	238	148	90
Навоий ш	74	53	21
Зарафшон ш.	17	10	7
Конимех	8	5	3
Қизилтепа	16	11	5
Навбахор	9	7	2
Кармана	63	35	26
Нурота	25	14	11
Томди	8	7	1
Учкудук	10	2	8
Хатирчи	8	2	6

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 74 та (31,1 фоиз) ва Кармана 63 та (26,5 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди ва Конимех 8 тадан (3,4 фоиз), Учкудук 10 та (4,2 фоиз) ва Қизилтепа 16 та (6,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2021 йил 1 январь ҳолатига)**

	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	238	100,0
Навоий ш.	74	31,1
Зарафшон ш.	17	7,1
Конимех	8	3,3
Қизилтепа	16	6,7

	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Навбахор	9	3,8
Кармана	63	26,5
Нурота	25	10,5
Томди	8	3,4
Учкудук	10	4,2
Хатирчи	8	3,4

Фаолият кўрсатаётган 238 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 145 таси (60,9 фоиз) саноат, 27 таси (11,3 фоиз) савдо, 29 таси (12,2 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 3 таси (1,3 фоиз) ташиш ва сақлаш, 13 таси (5,5 фоиз) қурилишда, 3 таси (1,3 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,4 фоиз) ахборот ва алоқа, 2 таси (0,8 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 15 таси (6,3 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2021 йил 1 январь ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>
Жами	238	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	145	60,9
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	29	12,2
қурилиш	13	5,5
савдо	27	11,3
ташиш ва сақлаш	3	1,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	1,3
Ахборот ва алоқа	1	0,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	0,8
бошқа турлари	15	6,3

2020 йил январь-декабрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 37 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65 тага камайган.

Бунда, Канада резидентлари капитали иштирокида - 1 та, Австралия резидентлари капитали иштирокида – 1 та, Эстония Республикаси – 1 та, Гретсия Республикаси - 2 та, Венгрия Республикаси - 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 1 та, Россия Федерацияси - 7 та, Қозоғистон Республикаси - 3 та, Жанубий Корея Республикаси - 1 та, Тожикистон Республикаси - 1 та, Туркменистон Республикаси – 3 та, Туркия Республикаси - 4 та, Хитой Халқ Республикаси - 6 та, Англия – 1 та, Эрон Ислом Республикаси – 2 та, Беларуссия Республикаси – 1 та, Афғонистон – 1 тани ташкил этди.


37 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (6 та) ва Зарафшон (2 та) шаҳарларида, Кармана тумани (11 та), Қизилтепа (4 та), Навбахор (3 та), Конимех (3 та), Учқудук (2 та), Хатирчи (1 та), Нурота (4 та) ва Томди (1 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	37	100,0
Навоий ш.	6	16,2
Зарафшон ш.	2	5,4
Конимех	3	8,1
Қизилтепа	4	10,8
Навбахор	3	8,1
Кармана	11	29,8
Нурота	4	10,8
Томди	1	2,7
Учқудук	2	5,4
Хатирчи	1	2,7

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 21 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 4 та, савдода 6 та, қурилишда 5 та, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1 та.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



2021 йил 1 январь ҳолатига 6 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (4 та), Қизилтепа тумани (1 та) Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2021 йил 1 январь ҳолатига 3839 тани ташкил этиб, улардан 3673 таси ёки 95,7 фоиз фаолият юритмоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25,2 фоизга ёки 740 тага кўпайди.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

